

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ !

“ТИҚХММИ” МТУ профессор-ўқитувчи ва илмий-педагогик ходимлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-42 сонли қарори доирасида “Профессор-ўқитувчи ва илмий-педагогик ходимларнинг касбий маҳоратини хорижий олий таълим муассасаларида оширишни таъминлаш” вазифаси берилган. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида “ТИҚХММИ” МТУ профессор-ўқитувчи ва илмий-педагогик ходимлари ўртасида танлов эълон қилинади.

Танловнинг мақсади: Университет профессор-ўқитувчи ва илмий-педагогик ходимлари орасидан касбий маҳоратини ошириши учун илғор хорижий олий таълим муассасаларига юбориш тавсия этиладиган истиқболли номзодларни танлаб олиш ва уларнинг базасини шакллантиришдан иборат.

Танловда иштирок учун талабгорлар томонидан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

1. Касбий маҳоратини ошириш бўйича мақсадни асословчи мотивацион ариза
2. Чет тилларидан бирини халқаро стандартлар талаблари даражасида билишини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
4. Халқаро андозалар асосида тайёрланган батафсил СВ, релюме;
5. Етакчи олимлар томонидан берилган иккита тавсиянома;

Талаб этилган ҳужжатлар мажмуасини 2022 йил 20 феврал куни 17.00га қадар international@tiiame.uz электрон почта манзилига юборишингизни сўралади.